



тўғри амалга оширилганини айтиш мумкин, лекин ютуқлар билан бир қаторда айрим хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Хусусан, Кўрагоний таржимасида айрим ўринларда жой номларининг ўзгариб кетиши, (Агра-Кураба каби), аслиятда келтирилган баъзи сўзлар ёки жумлаларнинг тушиб қолиши, бироқ баъзи ҳолларда муаллиф услубига путур етмаган ҳолда таржимон томонидан айрим сўзларнинг орттирилиш ҳолатларини айтиш мумкин. Жаъфарий таржимаси форс тилидан ўтирилганлиги боис аслиятда қисқа ва лўнда берилган жумлаларнинг таржимада чўзилиб кетиши, ортиқча ва жимжимадор жумлаларнинг қўшилиши аслиятдаги маънони таржимада ўзгариб кетиши, айрим сўзларнинг тушиб қолдирилиши, шунингдек, жой номларининг ёзилишида имловий-услубий хатолар кузатилди.

Иккинчидан, Мирзо Насируддин Ҳайдар Кўрагоний таржимаси бир неча жиҳати биринчидан, Кўрагонийнинг аслиятдан, яъни туркий-чиғатойдан ўтирилганлиги; иккинчидан, урду тилидаги биринчи тўлиқ таржима эканлиги; учинчидан, таржимада муаллиф услуби нисбатан сақланганлиги билан аҳамиятлидир.

Учинчидан, Юнус Жаъфарий таржимасининг тўлиқ ва илмий таржима эканлиги, изох ҳамда шарҳларнинг мўллиги билан аҳамиятлидир. Чунки изох ва шарҳлар асарни чуқурроқ тушуниш ҳамда ўрганишга кўмак беради, асарнинг илмийлигини оширади.

Тўртинчидан, айрим хато-камчиликларга қарамай, «Бобурнома»нинг урдуча таржималари катта аҳамиятга эга – у урду тилида сўзлашувчи халқлар орасида ўзбек мумтоз адабиётининг нодир намунаси бўлиши «Бобурнома»ни оммалаштиришда, бу улуг асардан бошқа халқларнинг вакиллари ҳам баҳраманд бўлишга имконият яратиш билан ҳам аҳамиятлидир.



ИЖТИМОЙ МАВҚЕ, КАСБ-ҲУНАР БИЛАН БОҒЛИҚ СЎЗЛАР ВА УЛАРНИНГ УРДУ ТИЛИДАГИ ТАРЖИМАЛАРИ ҲАҚИДА (П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар” асари мисолида)

УМАРОВА МОҲИРА

Таянч докторант, ТДШУ

Аннотация. Инсонларнинг эгаллаб турган лавозими, касби, мавқеи, жамиятдаги обрў-эътибори унинг ҳаётида, турмуш тарзида муҳим рол ўйнайди. Қандайдир маънода бу унга нисбатан одамларнинг муносабатини ҳам белгилаб бериши ҳеч кимга сир эмас.

Бизнинг мазкур мақоламиз ҳам айнан инсонларнинг ижтимоий мавқеи, касби, жамиятдаги эгаллаб турган ўрни билан боғлиқ сўзлар, мурожаат усуллари ҳамда уларнинг урду тилида қандай кўринишида акс этгани, Ҳиндистон ва Покистондаги табақаланиш, ижтимоий мавқе билан боғлиқ ҳозирги кундаги ва ўтмишдаги ҳолат, муаммолар, ҳиндлар ва покистонликлар ҳаётида табақаланишнинг аҳамияти, ҳар бир жамият вакилига, аёл ва эркакка нисбатан қўлланиши мумкин бўлган сўзлар ва мурожаат усуллари ҳақида ёзилган. Яна алоҳида эътибор, мазкур хос сўзларни таржимон томонидан қандай, қай усуллари қўллаган ҳолда таржима қилинганига ҳам қаратилган ва таҳлилга тортилган.

Ушбу илмий мақола учун адабий манба сифатида атоқли ўзбек ёзувчиси Пиримуҳаммад Қодировнинг “Юлдузли тунлар” асари ҳамда унинг урду тилига моҳир таржимон Манзар Салим томонидан ظہیر الدین таржимаси танлаб олинди ва таҳлил қилинди. Таржима асаридаги барча ютуқлар келтириб ўтилди.

Таянч сўз ва иборалар: Таржима, урду тили, реалия, аслият, мурожаат, ижтимоий мавқе, адекват таржима, ижтимоий табақа, каста.

Аннотация. Положение, профессия, статус и престиж человека в обществе играют важную роль в его жизни. Не секрет, что в определённом смысле эти позиции также определяют отношение к нему окружающих людей.

Данная статья посвящена словам, связанным с социальным статусом людей, их профессией и положением в обществе, способы обращения и их перевод на язык урду. В работе также рассмотрены разделение на касты общества Индии и Пакистана, современное и историческое состояние и проблемы, связанные с социальным статусом, важность жизни индийцев и пакистанцев, расчленения на касты, слова и обращения, которые могут быть применены к каждому члену общества, женщине и мужчине. Особое внимание уделяется тому, как эти слова были переданы на языке урду переводчиком, методы перевода и их анализ.

Литературным источником для представленной научной статьи является произведение известного узбекского писателя Пиримкула Кадырова «Звездные ночи» и его перевод на урду, сделанный опытным переводчиком Манзаром Салимом. Авторы, внимательно изучив перевод, постарались отметить все достижения переводного произведения.

Опорные слова и выражения: Перевод, урду, реалья, оригинал, обращение, социальный статус, адекватный перевод, социальный класс, каста.

Abstract. The position, profession, status and prestige of a person in society play an important role in his life. It's no secret that in a certain sense, these positions also determine the attitude of the people around him.

This article is devoted to words related to the social status of people, their profession and position in society, methods of treatment and their translation into Urdu. The work also examines the division into caste societies of India and Pakistan, the current and historical state and problems associated with social status, the importance in the life of Indians and Pakistanis of stratification into castes, words and treatment that can be applied to every member of society, woman and man. Particular attention is paid to how these words were rendered in Urdu by the translator, translation methods and their analysis.

The literary source for the presented scientific article is the work of the famous Uzbek writer Pirimkul Kadyrov "Starry Nights" and its translation into Urdu by an experienced translator Manzar Salim. The authors, having carefully studied the translation, tried to note all the achievements of the translated work.

Keywords and expressions: Translation, Urdu, reality, original, appeal, social status, adequate translation, social class, caste

Тил – миллат ҳамда халқ руҳининг гўзал кўзгусидир. Ҳар бир тилда ўзи намоён этаётган миллатнинг қадриятлари, турмуш шароити, руҳияти, дунёқараши ва албатта ўзлиги ақс этади. Ушбу барча жиҳатларни, миллатнинг ҳар бир ўзига хос қадриятларини, реалияларини, хосликларини ва мазкур халқ тилининг жозибадорлигини таржима тилида ақс эттириш таржимоннинг зиммасига янада оғир вазифани юклайди. Таржима қилиш жараёнида таржимоннинг йўлида беҳад, сон-саноксиз қийинчиликлар учрайди ва бу таржимондан ўз навбатида ишга ижодий ёндашишни, жумлаларни имкон қадар тушунарли қилиб таржима қилишни талаб этади. Аммо тўла-тўқис адекватликка эришиш учун биргина маҳорат ва истеъдод билан боғлиқ ижодкорликнинг ўзи кифоя қилмайди. Аслият руҳини имкон қадар тўғри ва тўла ақс эттирадиган таржима матни яратиш учун таржимон ҳам истеъдодли бадий сўз устаси, ҳам иқтидорли таржимашунос олим бўлиши керак. Тилнинг луғат таркиби, грамматик қурилиши ва фонетик тузилиши унинг барча соҳиблари учун умумий бўлса-да, ҳар бир шахс фикрини ўзига хос тарзда ифода этиши билан ажралиб туради. Бадий асар персонажлари турли-туман шароит ва муҳитларда яшаб фаолият кўрсатишлари туфайли уларнинг умумхалқ тили имкониятларидан фойдаланишларида сезиларли фарқ кўзга ташланади. Ҳар бир персонаж ўз илми ва савияси, дунёқараши, ижтимоий шароити ва нутқ муҳити, касб-кори доирасида сўзлайди, фикр-мулоҳаза юритади.

Фикр алмашиш давомида сўзловчининг тингловчига унинг касб-хунари, амал-мансаби, унвони қабилар билан мурожаат қилиши, умуман, инсоннинг касб-хунари, бажараётган ва-



зифасига ишора қилувчи сўзлар, бошқача қилиб айтганда - мурожаат бирликлари тилшунослиқда идентификатив (айни ўхшатиш, тенглаштириш) номинация деб юритилади.

Касб ва унвон сўзлари кўп ҳолларда фамилия ва исм билан бирга (фамилия+унвон) қўлланилади.

Баъзи мамлакатларда “ижтимоий табақа” тушунчаси мавжуд.

Ижтимоий табақа ёки ижтимоий гуруҳ – аҳолининг ижтимоий таркиби. Муайян бир ижтимоий табақага, синфга мансублик. Масалан: Ижтимоий аҳволи – деҳқон. Ижтимоий чиқиш – (ёки ижтимоий келиб чиқиши) ота-онанинг қандай социал табақага мансублиги.

Урду тилида аҳоли ижтимоий табақаланганлик даражаси, айниқса, мурожаат қилинаётган пайтда яққол кўзга ташланади. Ўзбек тилида эса табақаланиш мавжуд бўлмаганлиги сабабли бу ҳолат у қадар яққол сезилмайди. Мурожаат шакллари ҳам инсон қайси табақага киришига, унинг жинсига, суҳбат чоғидаги вазиятга, жамиятдаги ўрнига ва эгаллаб турган мансабига қараб белгиланади.

Қадимги туркий халқларда ҳам, Покистон ва Ҳиндистон жамиятида ҳам кишиларнинг жамиятда тутган ўрни турли номлар билан мурожаат қилишни келтириб чиқарган: амир, таксир, мавлоно, жаноб каби сўзлар ана шундай сўзлар сирасига киради. Ўзбек тилига кейинги даврда бир қатор ҳарбий унвон билан боғлиқ сўзлар рус тилидан ва рус тили орқали бошқа тиллардан кириб келди: сержант, старшина, лейтенант майор ва ҳоказолар. Урду тилига эса бундай сўзлар кўпроқ араб-форс ва инглиз тилларидан кирган. Улар оғзаки нутқда ҳам кўпроқ инглиз тилидан ўзлашган сўзларни бемалол қўллашади ва бу сўзларни бутун халқ муаммосиз тушунади. Масалан: саптаин, полисеман, политисс ва шу кабилар.

Ҳиндшунос ва урдушунос олима Сафармо Толиби “Покистон урдусидаги нутқий этикет” номли тадқиқотида Покистон халқини уч йирик табақага таснифлаган. Улар: зодагонлар (аристократия); диний уламолар; ишчи, хунарманд ҳамда деҳқонлар қатламига ажратган ҳолда тадқиқ этган. Мазкур қатламларни таснифлашда киши аждодларининг жамиятда тутган ўрни, эгаллаб турган мавқеи, шунингдек, мулоқот вазияти асосий омиллар бўлиб ҳисобланади. Табиийки, ана шу омиллардан келиб чиққан ҳолда, мурожаат шакллари ҳам ўзгариб боради.

Ушбу мақолада биз Покистон урдусида эркак ҳамда аёл кишига нисбатан олий табақа вакилларига қўлланиладиган ижтимоий мавқе билан боғлиқ мурожаат сўзларига тўхталиб ўтганмиз ҳамда адабий манба сифатида Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” ва ушбу асарнинг таржимон Манзар Салим томонидан урду тилига ўгирилган таржимасидан фойдаланилган. Масалан :

Шогирднинг устозига мурожаати акс этган парча:

- “Жаноб мударрис, бу суратни мен чизган эмасмен, буни менга Ҳиротдан келтирибдилар” (“Юлдузли тунлар”, 55-бет).

استاد محترم، یہ تصویر ہرات سے لائی گئی ہے۔۔

Бу ерда “Жаноб мударрис” сўзини таржимон “Мухтарам устоз” мурожаати билан бериб кетмоқда. Мударрис сўзининг этимологиясига қаралса, мударрис араб тилидан олинган бўлиб, “Дарс берувчи” деган маънони билдиради. Таржимон “Жаноб” сўзининг ўрнига олий табақа вакилларига нисбатан қўлланиладиган, ҳамда чуқур ҳурматни ифода этувчи “мухтарам” сўзини қўшган ҳолда, устозга нисбатан бўлган ҳурматни изоҳлаб ўтган.

Кейинги мисол:

Сарой бекининг тахт вориси бўлган Бобурга мурожаати:



- Билагингизда куч кўп, амирзодам. Шерпанжасиз! (“Юлдузли тунлар”. 31 -бет)

دولي عهد، آپ کے ہاتھوں میں بلا کی طاقت ہے۔ شیر کے پنجے ہیں۔ -

Мазкур мисолда таржимон Бобурнинг ягона тахт вориси эканлигига ишора қилган ҳолда амирзода сўзининг ўрнига “валиаҳд” яъни тахт вориси сўзини қўллаган. Сабаби “амирзода” сўзини урду тилида [мирза], شہزادہ [шаҳзада] сўзлари билан бериш мумкин. Бу ерда таржимон эса Бобурнинг тахт вориси эканлигига, шу билан бирга уни бошқа ака-укаларидан мавқеи баландлигига ишора қилган.

Аёл кишига нисбатан олий табақа вакилларига қўлланилган мурожаат шаклига мисол :

- Бегим, сиз амирзодамни Фарҳодга яхши қиёс қилдингиз. (“Юлдузли тунлар”, 90-бет).

شہزادی صاحبہ آپ نے بڑی خوبصورتی سے ہمارے حکمران کو فرہاد کو تسبیہ دی ہے۔ -

Ушбу мисолда сарой беки Бобурнинг эгачиси Хонзода бегимга “Бегим” дея мурожаат қилади. Таржимон эса ушбу мисолни [малика саҳиба] дея таржима қилган. Яъни унинг маликалик мавқеи [саҳиба] ўзбек тилида “хоним” сўзини қўшимча сифатида қўшган ҳолда унга бўлган ҳурмати намоён қилган.

Ёки музаққар учун кўпчиликка қилинган мисол:

- Муҳтарам беклар, давлатхоҳлар!- деб гап бошлади Хўжа Абдулла. (“Юлдузли тунлар”. 133-бет)

محترم حضرات، اساتین حکومت! -خوجہ عبدللہ نے کہنا شروع کیا۔

Ушбу мисолда бир сарой бекининг бошқа сарой беклари ва амалдорларига нисбатан мурожаати келтирилган. Ушбу жумлада умумий оломонга, кўпчиликка қарата мурожаат қилинганлигини кузатишимиз мумкин, аниқроғи у бир шахсга эмас, балки, бир нечта шахсга нисбатан қилинган мурожаат ёки даъватдир. Мазкур жумла урду тилига ҳам аслиятда қандай бўлса худди шундай таржима қилинган. Натижада, таржимон тарафидан адекват таржима таъминланган.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, Покистон урдусида мурожаат шакллари хилма-хил. Аслиятда берилган мурожаатларга янада урғу бериб таржима қилинган. Ўзбек китобхонларининг кўпчилигига “Юлдузли тунлар” асари яхши таниш бўлса-да, Покистон ҳамда Ҳиндистон китобхонлари учун бу асар у қадар таниш эмас. Шунинг учун ҳам таржимон ҳар бир қилинган даъват ёки мурожаатни эгаллаб ўша инсоннинг турган мавқеи ҳамда жамиятдаги ўрнига алоҳида эътиборини қаратиб ўтиришга ҳаракат қилган. Бу эса ўз навбатида таржимани ўқиётган китобхонга асарнинг тушунарли бўлишига ёрдам берган. Шунингдек, китобхоннинг ўша давр муҳити ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишини таъминлаган.

Урду тилида қиз ва аёлларга мурожаат қилишда инглиз тилидан кирган ўзлашмалар кўп учрайди. Масалан, [мисс] – хоним мурожаат шакли фақатгина турмушга чиқмаган зиёли қатлам вакиллари бўлган қизларга нисбатан ишлатилади. Ўзбек тилида эса мазкур мурожаат шаклига тўғри келадиган эквивалент ҳам, муқобил вариант ҳам мавжуд эмас. Ўзбек нутқий мулоқотида турмушга чиқса ҳам, чиқмаса ҳам ёки исм фамилия / шариф орқали ёки эгаллаб турган касби ёки лавозимига қараб мурожаат қилинади.

Покистондаги иккинчи табақа – диний уламоларга нисбатан ҳам аёлларга алоҳида, эркакларга алоҳида мурожаат шакллари ишлатилади. Масалан, эркакларга нисбатан مولانا [Маулана] - мавлоно мурожаат шакли Покистон урдусида чуқур диний илмга эга бўлган кишиларга нисбатан қўлланилади. Ҳозирги ўзбек тилида “мавлоно” сўзи истеъмолдан



чикиб кетган. Аммо тарихга назар солинса, у бир вақтлар мурожаат сўзи сифатида жуда кенг қўлланилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Учинчи табақа - ишчи, деҳқон ҳамда ҳунармандларга нисбатан ҳам ишлатиш мумкин бўлган мурожаат сўзларини ҳам талайгина учратиш мумкин. Шунингдек, ишчи-ҳунармандларнинг хўжайинларига нисбатан ҳам ишлатиладиган махсус сўзлар мавжуд. Мисол учун, مالک[малик] – хўжайин сўзи қўлида бир нечта хизматчиси, ишчиси бор бўлган инсонга нисбатан қўлланилади. Бу табақа вакилларига одатда, دوست[дост] дўст, يار[яр]-биродар, ошна, оғайни каби сўзлар билан мурожаат қилинади. Бундан ташқари, мазкур табақа вакилларига фақат касби орқали мурожаат қилиш ҳам кузатилади. Масалан: بھارتی[баварчи]- ошпаз.

Инсонларга гапириш, юзланиш жараёнида ижтимоий муносабатлар акс этар экан, албатта, турли касб эгалари, вакиллари билан бўлган ўзаро мулоқотда бевосита шахснинг касби-кори билан атаб мурожаат қилиш барча миллат вакилларига хосдир. Бунда мурожаат мазмуни интонация орқали ифодаланади. Масалан, бир касб эгасига бўлган мурожаатда таъна-дашном, ёлвориш, самимий маслаҳат ёки миннатдорлик ифодаланиши мумкин.

Ҳар бир тилда этимологик жиҳатдан ўзлашган сўзлар мавжуд. Айнан шу жиҳатдан ўзбек тили ҳам, урду тили ҳам ўзлашма сўзларга бой тиллар ҳисобланади. Ўзбек тилида араб, форс-тожик, рус тилларидан ўзлашган сўзлар кўп бўлса, урду тилида араб, форс, инглиз ҳамда ҳинд тилидан ўзлашган сўзлар кенг қўлланилади.

Ҳар бир тил лексикасининг маълум фоизи бошқа тиллардан ўзлашган бўлади. Уларнинг айримлари ўзининг ажнабий бўёғини йўқотиб, худди ўзиникидек туюлади, айримлари эса фонетик, грамматик ёки семантик ўзига хослиги-ю, ғайритабиийлиги билан ёт сўзлигича қолади.

Покистон Ислом Республикаси бўлгани учун ҳам кўп сўзларни араб ва форс тилларидаги ўзлашмалар ташкил қилади.

Мурожаат шакли сифатида қўлланган сўзларга асосланган ҳолда, халқнинг миллий менталитети, жамиятдаги турли табақалар орасидаги расмий ва норасмий бўлган ижтимоий муносабатлар, руҳий-маънавий ўзига хосликлар белгиланиши мумкин.

Қуйидаги мисолимиз орқали сарой бекининг мусаввирга мурожаатини кўришимиз мумкин. Бунда эътиборлиси шундаки, бек ҳам мусаввир ҳам зиёлилар қатламига киради.

- Офарин сизга, мулла Фазлиддин! (“Юлдузли тунлар”, 88-бет).

- آفرین منزل الدن صاحب! قاسم بیگ نے پچکپاتے ہوئے کہا.

Мазкур жумлада “мулла Фазлиддин” мурожаат усулини таржимон [Фазлиддин саҳиб] тарзида бермоқда. Бизнинг фикримизча, таржимон Манзар Салим меъмор Фазлиддиннинг юқори табақа вакили ва зиёли бўлганлигига урғу берган ва матндаги яъни аслиятдаги маънони китобхонларга жуда чиройли ва аниқ етказиб бера олган.

Ҳар бир миллат ва жамият ҳаётида у ёки бу даражада инсоннинг ижтимоий мавқеи муҳим ўрин тутди. Ҳиндистон ва Покистон Республикаларида ижтимоий табақаланишга эса катта ва жиддий эътибор қаратилади. Тарихдан ёдга олсак, Ҳиндистон турмуш ҳаётида “кастачилик” жуда муҳим рол ўйнаган ва деярли ҳамма нараса: турмуш тарзи, иши, касби ва ҳаттоки ким билан турмуш кура олиши ҳам шу инсонларнинг қайси каста вакили эканлигига бориб тақалган. Ҳозирда замонавий Ҳиндистонда ҳам Покистонда ҳам кастачилик тизими анча ортда қолган. Бутунлай йўқ бўлиб кетмаса ҳам, аммо ўз кучини сезиларли даражада йўқотган.



Пиримкул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” ва унинг таржимон ва тил соҳиби бўлмиш Манзар Салим томонидан қилинган таржимасидан олинган мисолларни таҳлил қилиш орқали шундай хулосаларга келиш мумкинки, ҳар бир мисол Манзар Салим томонидан адекват таржима қилинган, китобхонларга жумлаларнинг асл маъноси чиройли қилиб етказиб берилган. Таржима жараёнида эътибор асосан персонажларнинг ижтимоий мавқеёига қаратилган ва унинг жамиятдаги ўрнини кўрсатиш кўзланган, назаримизда. Жумладан Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “валиаҳд шахзода” эканлигига, маликалардан бирининг нақадар ҳурмати баланд эканлигига алоҳида урғу берилган ва бу ўз навбатида таржималарнинг чиройли, тушунарли ва аниқ чиқишига хизмат қилган.

